



EURASIAN JOURNAL OF

**LAW, FINANCE AND
APPLIED SCIENCES**

VOLUME 1, ISSUE 2 (2021): EJLFAS



EURASIAN JOURNAL OF LAW, FINANCE AND
APPLIED SCIENCES

Innovative Academy Research Support Center

www.in-academy.uz



*Innovative Academy
Research Support Center*

EURASIAN JOURNAL OF LAW, FINANCE AND APPLIED SCIENCES

Journal has been listed in different indexings



The official website of the journal

www.in-academy.uz



TAHRIRIYAT

Tahririyat 1206-sonli guvohnoma asosida faoliyat yuritadi.



(Tekshirish uchun skanerlang. Maxsus kod: 3565)

Bosh muharrir

Madumarov Talantbek Tolibjonovich

Andijon davlat universiteti ijtimoiy-iqtisodiyot fakulteti dekani, yuridik fanlar doktori, professor

Mas'ul kotib

Muxtarov Utkirjon Mutalibjanovich

Andijon davlat universiteti "Falsafa" kafedrası, falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

Nashrga tayyorlovchi

Akbarov Nurislom Axtamjon o'g'li

Toshkent farmatsevtika instituti

Akbarova Dilafruz Axtamjon qizi

O'zbekiston Davlat Jahon tillari Universiteti

TAHRIR KENGASHI A'ZOLARI

Kariyeva Yoqut Saidkarimovna

Toshkent farmatsevtika instituti dori turlari texnologiyasi kafedrası mudiri, farmatsevtika fanlari doktori, professor.

Mullajonova Manzura Toxirovna

Toshkent farmatsevtika instituti Ilmiy tadqiqot, innovatsiyalar va ilmiy pedagog kadrlar tayyorlash bo'limi boshlig'i, farmatsevtika fanlari nomzodi, dotsent.

Maksudova Firuza Xurshidovna

Toshkent farmatsevtika institutining «Dori turlari texnologiyasi» kafedrası dotsenti, farmatsevtika fanlari doktori.

Nuridullayeva Kamola Negmatillovna

Toshkent farmatsevtika instituti farmakognoziya va dori vositalarini standartlash kafedrası dotsenti. PhD

Xakimov Abdumuxtor Abduxalimovich

Z.M. Bobur nomidagi Andijon davlat universiteti «O'zbekiston tarixi» kafedrası, tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent.

Qodirov Raximjon Boltaboyevich

Z.M. Bobur nomidagi Andijon davlat universiteti geografiya kafedrası mudiri, geografiya fanlari nomzodi, dotsent

Turdiyeva Zilola Vaxabjanovna

Toshkent farmatsevtika instituti «Dori vositalarining sanoat texnologiyasi» kafedrası v.v.n dotsenti, PhD

Ochilova Nigora Ruzimuratovna

Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti «Ijtimoiy fanlar» kafedrası dotsenti. PhD

Raximov Farrux Movlidinovich

Navoiy davlat konchilik instituti «Elektr energetikasi» kafedrası dotsenti. PhD

Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences



MUNDARIJA | TABLE OF CONTENTS | СОДЕРЖАНИЕ

1.	Мадумаров Талантбек Толижонович, Ғуломжонов Одилжон Рахимжон ўғли УЧИНЧИ РЕНАСАНСНИНГ ПОЙДЕВОРИ МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШДИР	1
2.	To'xtayev Sardor Sulton o'g'li MAQSAD SARI INTILISH UCHUN KUCHLI MOTIVATSIYA	9
3.	Tavbaev Murat Bisenbaevich ETNOLOGIYALIK IZLANISHLARDA MUZEY EKSPONATLAR O'RNI	12
4.	Восид Усмонов ЮРИДИК ХИЗМАТ КУРСАТИШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА	18
5.	Norova Gulsanam Maxsutovna O'ZBEK TILI LEKSIK TARKIBINING RIVOJLANISH OMILLARI	23
6.	Элов Зиёдулло Сатторович ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТДА СУИЦИД (ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛИШ) МУАММОЛАРИ	26
7.	Tavbaev Murat Bisenbaevich ETNOLOGIYALIK IZLANISHLARDA MUZEY EKSPONATLAR O'RNI	29
8.	Жумаева Мақсуда Бекмуротовна, Раҳимов Баҳромжон Қаҳрамон ўғли, Абдуллаев Аслиддин Наби ўғли, Холмуродов Шермат Жураевич ЭЛЕКТРОН ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИ ВА ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ	35
9.	Хушбоқова Нигора ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ	38
10.	Mirsulton Abbosov KORRUPSIYA: PAYDO BO'LISH OMILLARI, TADQIQ, TAHLIL	47
11.	Orzubek Musayev Eshberdi o'g'li HAKAMLIK SUDLARI: ALOHIDA XUSUSIYAT HAMDA TARAFLAR UCHUN AFZALLIKLAR	51
12.	Uteniyazov Maxsud Baxitbay o'g'li UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTABLARIDA INFORMATIKA VA AXBOROT TEKNOLOGIYALARINI O'QITISH VA MAQSADI	54



	Sobirjonova Nodirabegim Hayotillo qizi	
13.	LOYIHA FAOLIYATI BOSHLANG'ICH SINIF BOLALARDA MAS'ULIYATNI TASHKIL VOSITASI SIFATIDA	57
	Ne'matullayev Abdunosir	
14.	HOZIRGI O'ZBEK HIKOYALARIDA TARIXIY OBRAZNING BADIY TALQINI	61
	Maxammatova Saida Sadriddinovna	
15.	PSIXOLOGIK KONSULTATSIYA – BOLA IQTIDORINI SHAKLLANTIRISHNING IJTIMOIY-PSIXOLOGIK OMILI SIFATIDA (KICHIK MAKTAB YOSHI DAVRI MISOLIDA)	65
	Fayziyeva Xolida Asadovna	
16.	FIZIKA SOHASIDA TA'LIM SIFATINI OSHIRISH MAQSADIDA FIZIKA FANIDAN LABORATORIYA MASHG'ULOTLARINI O'TISHDA VIRTUAL LABORATORIYADAN FOYDALANISH	69
	Zamonov Sarvar Jovli o'g'li	
17.	YOSHLAR O'RTASIDA HUQUQIY NIGILIZIM TUSHUNCHASI VA UNING OLDIN I OLISH CHORALARI	74
	Д. Мирзарайимов	
18.	АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА УНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ	79
	Абдувоҳидов Азизжон Азимжон ўғли	
19.	ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ	84
	Mohammad Ghazi Rababa, Mokhinur Bakhramova	
20.	THE JURISDICTION OF ODR IN THE CASE OF CONFLICT OF LAWS	87
	Orzikulov Farrux Ismatullaevich	
21.	DIGITALIZATION OF THE ECONOMY. INTRODUCTION OF DIGITAL TECHNOLOGIES TO THE ECONOMY	100



ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТДА СУИЦИД (ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛИШ) МУАММОЛАРИ.

Элов Зиёдулло Сатторович

Бухоро Давлат университети, Психология кафедраси
ўқитувчиси, психология фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5566755>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 05-oktabr 2021

Ma'qullandi: 10- oktabr 2021

Chop etildi: 15- oktabr 2021

KALIT SO'ZLAR

суицид, ҳақиқий суицид,
сохта суицид, депрессия,
глобал муаммо.

ANNOTATSIYA

*Мақолада шахсда кечадиган руҳий бузилишлар
натижасида содир бўлиши мумкин бўлган суицид
ҳолати ҳақида фикр юритилади. Шунингдек суицид
ҳолатларининг таҳлиллари кўрсатилган.*

Ҳаёт инсонга бериладиган неъматлар ичида энг қадрлиси ҳисобланади. Шунингдек у яратганнинг бизга берган илоҳий мўъжизасидир. Умрининг ҳар лаҳзасини қадрлаш, уни гўзал ўтказиш, узоқ умур кўришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Бироқ, орамизда ушбу илоҳий неъматни қадрига етмайдиган айрим ношукур кимсалар ҳам борки улар, бугун уни унутиб қўйишмоқда. Натижада кишилар томонидан ўз ҳаётига ўз чек қўйишгача бориб етмоқда.

Биз ривожланган асрда яшасакда, айрим шахслар бугун ушбу ҳолат энг муаммо эканлиги ва ва чиқарилган бу қарор энг катта гуноҳ эканлигини, англашмайди.

Ривожланган тиббиёт бугун жонига қасд қилган шахсни соғлом шахс эмас – деб ҳисоблайди. Негаки, тиббий нуқтаи назардан руҳиятида ўзгариш бўлган ва ўзида соматик белгилар намоён этган ҳолатдаги шахслар албатта, шифокорга учрашиш лозимлиги таъкидлаб келинади.

Психологияда бугун олимлар томонидан, шахс томонидан билиб туриб ўз жонига қасд қилиш ҳолатини суицид – деб таърифлашади.¹ Энди масаланинг энг асосий моҳиятига тўхталсак. Бугун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотида кўра, вафот этаётган ҳар 100.000 минг одамдан 10 та суицид қурбонига айланиб бормоқда. Статистик

¹ Асаб ва руҳият. Илмий оммабоп рисола. 4-нашр. Тошкент 2019 й



маълумотга тўхталадиган бўлсак, Англия, АҚШ, Италия, Австрия, Исроил, Литва, Латвия, Россия, Беларус, Қозоғистон ва Украина каби давлатларда ушбу жараён ўртача кўрсаткичлардан анча кўплиги қайд қилинган.² Натижада, суицид бугун дунёдаги глобал муаммолардан бирига айланиб қолганлигини кўришимиз мумкин.

Олимлар томонидан суицид муаммоси қатор йиллар давомида ўрналигиб келинмоқда. Ушбу ҳолатнинг қандай намоён бўлиши ва асл сабаблари устида бир нечта мутахассислар турли тадқиқотлар олиб боришди. Умуман олганда олимларнинг тадқиқотларига кўра, суицид ҳолатини содир этиш асосан икки хил кўринишда кечиши қайд этилган. Улар ҳақиқий ва сохта суицид. Биринчисида, ўз жонига қасд қилиш ҳолати ойлаб, ҳаттоки йиллаб режалаштирилади.

Шундай бажариладики, у аянчли кўринишда ниятига этади. Бироқ, шунга қадар камида ўндан ортиқ кишига бу ҳақда айтган бўлсада, эътиборсизлик оқибатида бир шахс ҳаётдан кўз юмади. Иккинчисида, ўз жонига қасд қилиш, атрофдагиларнинг айниқса яқинларининг эътиборини тортиш мақсадида амалга оширилади. Ушбу жараён кўп ҳолларда намоёйишкорона амалга оширилиб, унда турли таблетка воситаларини кўп миқдорда қабул қилиш, қон томирларини кесиш (чуқур эмас) ва бошқа усуллардан фойдаланилади. Ушбу ҳолатда шахс қутқариб қолинишини жуда яхши

билади ва бу ҳолат кўпроқ аёллар томонидан содир этилади.

Суицид ҳолатининг ушбу икки ҳолати ўрганилганида, ҳар иккисида ҳам сабаблар оз эмаслиги, шахсий ва турмушдаги муаммолар, оилавий жанжаллар, ажралиш ва тан олинмаган севги, яқинларининг унга нисбатан бепарволиги, сурункали оғир касалликлар, ишдаги ва ўқишдаги омадсизлик, пул муаммоси ва кўп миқдорда қарздор бўлиб қолиш, узоқ давом этадиган оғир депрессия, тушкунликка тушиш ва мажбурий босим, мунтазам камситилиш, номусга тегиш, жисмоний ҳўрлаш каби қатор ҳолатларни санаб ўтиш мумкин.

Бугун тадқиқотлар жараёнида суицид қуроли ўрганилганида, асосан ривожланган давлатларда (АҚШ, Англия ва Франция) ўқ отар қуроллардан, иқтисодиёти энди ривожланаётган давлатларда турли дори воситалари ва бошқа усуллардан фойдаланилаётганлигини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга статистик маълумотларга кўра бугун Хитойда яшаётган кишилар томонидан суицид ҳолатини содир этишда зарарли химикат воситалардан фойдаланиш энг кўп қайд этилганлиги кўрсатилган. Бугун юртимизда ҳам бу каби ҳолатлар ҳар куни учраб турганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Дунё ҳамжамиятида суицидга йўл қўйиб, тирик қолган шахсларга нисбатан турли жазо чоралари белгиланган. Мисол учун Ҳиндистонда агар шахс суициддан сўнг тирик қолса, бир йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш

² Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2020 йил маълумотлари. "Саломатлик калити журнали" Тошкент 2020 йил 4-сон



жазоси, Сингапурда эса жарима жазоси қўлланилиши мумкин.³ Юртимизда эса бундай ҳатти-ҳаракат руҳий-асаб касалликлар касалхонасига ётқизишга асос бўлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июль кундаги 207-сонли қарорида, жамиятда суицид ҳолатини олдини олишда, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ўрта ва олий таълим, ички ишлар вазирлиги ва прокуратура органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари зиммасига қатор вазифалар юкланган.⁴ Бундай кўнгилсиз ҳолатни олдини олиш ва бартараф этишда, идоралараро комплекс чора-тадбирлар режаси тузилиб, шу асосда бугун фаол ишлар олиб борилмоқда. Мақсад суицид ҳақида

кўп гапирмасдан, депрессияга тушганлар билан манзилли ишларни амалга ошириш, лоқайдликка йўл қўймаслик, малакали мутахассислар ёрдамини уюштириш, асл сабабларни аниқлан ва уни йўқотиш, зарур бўлган ҳолатларда дори-дармонлар билан даволашдир.

Ҳар бир инсоннинг ҳаёти бебаҳо ва бетакрордир. Зеро, XX асрнинг бошида буюк психоаналитик Зигмунд Фрейд «Ҳаёт қониқишдан иборат» деган эди. Ҳаётни асраш, уни чиройли ва мазмунли ўтказиш шарт ва зарур. Негаки, жамиятнинг куч-қудрати, соғлом одамларнинг соғлом турмаш тарзи билан барқарордир. Буни ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги лозим.

References:

1. Амбрумова А.Г. индивидуально-психологические аспекты суицидального поведения.
2. Фрейд З. Мы и смерть // Рязанцев С. Танатология (учение о смерти). СПб.: Восточно-Европейский институт психоанализа, 1994. С. 5-42.; *Freud S. Mourning and melancholia* // Hogarth Press, London – 1957].
3. Ибодуллаев З. Асаб ва руҳият. 4-нашр. Тошкент 2019 й.
4. Эргашев И.Р. Психология профессионального общения с участниками предварительного следствия: Автореф. дис. канд. псих. наук. – Т, 2001.

³ Постда газетаси. ИИВ расмий газетаси. Тошкент. 2021 й 4-сон

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июль кундаги ВМ207-сонли қарори.